ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РАУПОВА НОДИРА БАХРОМОВНА

ҒАРБИЙ ТЯНЬ-ШАНЬ ВЕРТИКАЛ ЗОНАЛЛИКДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ЭКОЛОГИК-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ ВА УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

03.00.13-Тупроқшунослик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ(DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

УЎТ 631.4+631.46+631.4:551.3+631.411.6

Биология фанлари бўйича фан доктори(DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук(DSc)
по биологическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of science(DSc)
on biological sciences

Раупова Нодира Бахромовна
Ғарбий Тянь-Шань вертикал зоналликда тарқалган тупроқларининг ҳозирги экологик-генетик жиҳатлари ва унумдорлигини ошириш йўллари.....3

Раупова Нодира Бахромовна
Современное эколого-генетические особенности почв вертикальной зональности Западного Тяньшаня и пути повышения их плодородия.....31

Raupova Nodira Bakhromovna
Modern ecological and genetic features of soils of vertical zonality of the western Tien Shan and ways to increase their fertility…….59

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……...…...63

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РАУПОВА НОДИРА БАХРОМОВНА

ҒАРБИЙ ТЯНЬ-ШАНЬ ВЕРТИКАЛ ЗОНАЛЛИКДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ЭКОЛОГИК-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ ВА УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

03.00.13-Тупроқшунослик

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/B52 рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Давлат Аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://www.soil.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Абдуллаев Саъдулла Абдуллаевич** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Юлдашев Ғулом** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Фарғона давлат университети
	Исақов Валижон Юнусович биология фанлари доктори, профессор Қўқон давлат педагогика институти
	Ахмедова Заҳро Рахматовна биология фанлари доктори, профессор ЎзР ФА Микробиология институти
Етакчи ташкилот:	**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017./QxB.43.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «18» 12 соат 14^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.:(+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (46 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38

Диссертация автореферати 2019 йил « 3 » 12 куни тарқатилди.
(2019йил « 3 » 12 даги 25 - рақамли реестр баённномаси)

Р.Қ.Қўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда «ювилиш ва сув эрозияси таъсирида бузилган ерлар 10,9 млн/га (56 %), шамол таъсирида емирилган ерлар 5,5 млн/га (28 %), кимёвий деградацияга (гумус ва биоген моддалар камайган, шўрланган, ифлосланган ва бошқалар) учраган ерлар 2,4 млн/га (12 %), физик деградацияга учраган (зичлашган, ботқоқлашган, чўккан ва бошқалар) ерлар 0,8 млн/га (4%) бўлиб, жами майдон 19,6 млн гектарга тенгдир»[1]. Шу сабабли дунё мамлакатларида табиий ва антропоген омиллар таъсирида деградацияга учраган ер майдонларининг унумдорлигини сақлаш, ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунёда тупроқларнинг ҳозирги ҳолатини ва уларни антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини аниқлаш, дегумификация, сувга чидамли донадор структуранинг йўқолиши, зичланиш, гумусли горизонт қалинлигининг пасайиши, эрозия, шўрланиш ва бошқалар каби ҳодисаларнинг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, тупроқларнинг морфогенетик белгилари, кимёвий таркиби ва тупроқ пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, антропоген омиллар таъсирида юзага келган салбий ҳолатларни аниқлаш, оқибатларини бартараф этиш, тоғли ҳудудлардаги эрозияланган тупроқларнинг гумусли ҳолатини баҳолашнинг илмий асосланган мезонларини ва эрозия жараёнлари натижасида йўқотилган тупроқ гумусини тиклаш ва сақлашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга доир тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш, ошириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурлари доирасида кенг кўламли мелиорация тадбирлари ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларининг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш»[2] бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, республикамизда тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, мавжуд деградация жараёнларни бартараф этиш, унумдорлигини сақлаш, тиклаш, эрозия, дегумификация жараёнларининг олдини олиш ҳамда гумус ҳосил бўлиш механизми, қонуниятларини тупроқ унумдорлигига боғлиқ ҳолда аниқлаш

---

[1]https://www.fao.org.

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3024-сон «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги 25-сон «Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Тупроқларнинг зоналлик типлари бўйича асосий хосса-хусусиятлари, гумусли ҳолати, гумуснинг таркиби, гумус моддаларининг трансформацияси ва уларнинг ҳосил бўлиш механизмлари, гумус моддаларининг элемент таркиби, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан (CNPS) Миллий биологик педология илмий тадқиқот маркази (Франция), Атроф-муҳитни ўрганиш маркази (Германия), International Centrefor Integrated Mountain Developmend (Швейцария), Department of Soil and Water Science University of Florida (АҚШ), Escuela de Agronomia, Pontifica Universidad Catylica de Valparaiso (Чили), Departement de Chimie, Universite de Montreal (Канада), Biogas institute of Ministry of Agriculture–BIOMA (P.R. China), Тупроқ ресурсларининг Жаҳон Маълумот Базаси (WPБ), Шаҳар, саноат, транспорт, кончилик ва ҳарбий ҳудудларнинг тупроқлари Халқаро Тупроқшунослар Иттифоқи (SUITMA), Тупроқ маълумот гуруҳи, РПГ(RSG), Халқаро тупроқшунослар уюшмаси (IUSS), Халқаро тупроқшунослар жамияти (ISSS), Халқаро тупроқлар маълумот-ахборот маркази (ISRIC), В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти, РАСХН (Россия), К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академияси (Россия), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тупроқшунослик факультети (Россия), Дехқончилик институти ЦАЛНЛ (Литва), Успанов номидаги Тупроқшунослик ва агрокимё институти (Қозоғистон), Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Тупроқларнинг гумусли ҳолати, гумус ҳосил бўлиши, гумус экологияси, органик модданинг трансформациясига оид жаҳонда олиб борилган

тадқиқотлар натижасида жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тупроқ унумдорлигини сақлаш, гумин препаратларини қишлоқ хўжалик экинларига қўллаш тизими ишлаб чиқилган (К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академияси, Россия); биогумус олиш ва уни тупроққа қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган (Миллий биологик тупроқшунослик илмий-тадқиқотлар маркази, Франция); деградацияланган тупроқларда гумус ҳосил бўлишининг экологик функцияларини аниқлаш асосида тупроқлар гумусининг мақбул, максимал, минимал миқдорлари ва уни бошқариш, башорат қилиш моделлари ҳамда гумус заҳираси маълумотлар базаси ишлаб чиқилган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тупроқшунослик факультети, Россия); гумус моддаларининг турли ўғитлар таъсирида трансформацияси, элемент таркиби ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган (В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти, РАСХН, Россия).

Дунё амалиётида тупроқларнинг гумусли ҳолатини яхшилаш, деградация жараёнларини олдини олишнинг хавфсиз ва самарали усуллари ва илғор технологияларни қўллаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий - тадқиқотлар олиб борилмоқда: техноген ва антропоген омиллар таъсирида ифлосланган тупроқлар гумусли ҳолатини яхшилаш; деградацияланган тупроқлар унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш; сахроланиш жараёни таъсиридаги тупроқларнинг гумусли ҳолати ва тупроқ хоссаларининг ёмонлашишини бартараф этишга қаратилган агротехнологияларни қўллаш; глобал иқлим ўзгаришида иссиқхона эффекти ва CO_2 эмиссияси жараёнлари жадаллашини олдини олишнинг илғор ечимларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроқларнинг гумус миқдори, унинг фракциявий-гуруҳий таркиби, республикада тарқалиш қонуниятлари бўйича тадқиқотлар Ф.Ю.Гельцер, П.Н. Костичев, Н.П.Беседин ва шогирдлари, М.А.Белоусов, С.Н.Рижов ва шогирдлари, суғориладиган ва лалми тупроқларнинг ҳосил бўлиш ва тарқалиш қонуниятлари, хосса-хусусиятлари, тупроқлар диагностикаси, трансформацияси, эволюцияси, тупроқларда кечаётган деградация жараёнларини ўрганиш, шунингдек органик моддалар ҳамда турли тоғ ва тоғ ёнбағирлари эрозиясига мойил бўлган ҳудудлар бўйича тадқиқотлар: Х.М.Махсудов, Л.Т.Турсунов, А.Хоназаров, И.Туропов, Х.Ҳ.Турсунов Р.Қўзиев, С.Абдуллаев, М.М.Тошқўзиев, Л.А.Гафурова, Ғ.Юлдашев, В.Ю.Исақов, Р.Қурвантоев, А.Ж.Боиров, З.А.Жаббаров, Н.Ю.Абдурахмонов, Г.М.Набиева, Н.И.Шадиева, Г.Т.Жалилова, Д.А.Қодирова М.Ф.Фахрутдинова, Д.Л.Атабекова, Г.С.Мирҳайдарова, Т.Шамсидинов ва бошқа олимлар томонидан бажарилган. Лекин тоғ ва тоғ ёнбағри тупроқларининг гумус ҳолати, гумус ҳосил бўлиш механизми, гумус моддаларининг физик-кимёвий хусусиятлари, элемент таркиби ва уларнинг унумдорлиги масалалари бўйича тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим

муассасасининг тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режаларининг ҚҲА-7-075 «Қурама тоғ ва тоғ олди тупроқларида тупроқ-эрозия жараёнлари ва эрозияланган ҳамда ифлосланган тупроқларнинг гумусли ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади тоғ ва тоғ ён бағирларида шаклланган, эрозияга учраган асосий тупроқлар тип ва типчаларида гумус ҳосил бўлишида табиий ва антропоген омилларнинг таъсирини тавсифлаш ҳамда ушбу тупроқларнинг гумусли ҳолатидаги миқдор ва сифат ўзгаришларининг йўналиши ҳамда интенсивлигини аниқлаш, уни баҳолашнинг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ғарбий Тянь - Шань тоғ ва тоғ олди тупроқлари тип ва типчаларининг морфогенетик, кимёвий, физик, физик - кимёвий хоссаларини аниқлаш;

тоғ жигарранг ва бўз тупроқларнинг эрозия жараёнлари таъсири юзага келадиган биологик кўрсаткичларидаги ўзгаришларни аниқлаш;

тоғ-жигарранг ва бўз тупроқлар гумусининг таркиби ва захиралари, унинг гуруҳий-фракциявий таркиби, гумус кислоталарининг хусусиятларини, уларга эрозия жараёнларининг таъсирини аниқлаш;

эрозияланган тупроқларнинг гумусли ҳолатининг энг информацион кўрсаткичларини аниқлаш;

агротехник тадбирлар натижасида гумус моддаларининг шаклланишини ва уларнинг тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлаш;

тоғ жигарранг ва бўз тупроқларнинг гумус ҳолати бўйича баъзи таснифлаш хусусиятларини аниқлаш ва уларни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

олинган натижалар асосида ўрганилган худуднинг тупроқ эрозия ҳаритаси, гумус типи картограммасини тузиш.

Тадқиқотнинг объекти Ғарбий Тянь- Шань тоғ ва тоғ ён бағрининг республика ҳудудида тарқалган суғориладиган ва лалми, эрозияланган тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик, тоғ жигарранг ишқорсизланган, ва бўз тупроқлар минтақасининг оч тусли, типик ва тўқ тусли бўз тупроқлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тупроқнинг хосса-хусусиятлари, эрозия, биологик фаоллиги, тупроқ гумуси, гумуснинг фракция таркиби, гумус кислоталарнинг физик-кимёвий хусусиятлари, гумус типи, элемент таркиби, картограмма, тупроқнинг гумус ҳолати ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар умумқабул қилинган стандарт усуллар: генетик-географик, литологик-геоморфологик, қиёсий-кимёвий аналитик ва профил усуллари бўйича олиб борилди. Лаборатория таҳлиллари «Агрохимические методы исследования почв», «Микробиология ва биохимия почв», «Органическое вещество почвы», «Практикум по

биохимии гумуса», «Руководство по химическому анализу почв» қўлланмалари бўйича бажарилган. Олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили дисперсия усули билан (Б.А.Доспехов) «Microsoft Excel»дастури ёрдамида амалга оширилди. Картограммаларни яратишда ArcGIS дастуридан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ғарбий Тянь-Шань вертикал зоналликда тарқалган тоғ жигарранг ва бўз тупроқларининг гумусли ҳолати, гумус ҳосил бўлиш механизмининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган;

вертикал зоналлик қонунияти бўйича тақсимланган эрозияланган тупроқларнинг ҳар бир типи ва типчаси тупроқлари гумусининг гуруҳий ва фрациявий таркиби бўйича ўзига хос фарқланишлари аниқланган;

гумус кислоталарининг эрозияланиш даражасига боғлиқ физик-кимёвий хусусиятлари, оптик зичлиги, коагуляция чегаралари ва гумуснинг элемент таркиби аниқланган;

эрозия даражасига боғлиқ равишда тупроқларнинг биологик фаоллиги билан гумус кислоталари ва гумификация даражаси орасидаги боғлиқлик аниқланган;

гумус моддаларининг шаклланиши, гумус таркиби ва йиллар давомида ўзгариш динамикаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суғориладиган ва лалми эрозияланган бўз тупроқларнинг гумусли ҳолати ва унумдорлигини ошириш йўлларига доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тошкент вилоятининг Охангарон тумани Ғаллақудуқ массиви суғориладиган типик бўз ҳамда Бўстонлиқ туманидаги Бўстонлиқ массиви лалми тўқ тусли бўз тупроқлари учун гумус типи картограммаси ва эрозия харитаси тузилган;

республикамизнинг тоғ ва тоғ олди, суғориладиган ва лалми тупроқларида эрозия жараёнларининг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Назарий жиҳатдан расмий манбалар асосида фойдаланилганлиги ва замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида тасдиқланганлиги, тадқиқотлар умумқабул қилинган услублар асосида ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир–бирига мослиги, олинган экспериментал маълумотларга статистик ишлов берилганлиги ва Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр этишга тавсия этган Республика ва халкаро миқёсдаги илмий-амалий нашрларда чоп этилганлиги ва муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вертикал зоналлик қонунияти бўйича

тақсимланган эрозияланган тоғ ва тоғ олди тупроқларининг ҳар бир типи ва типчасини ўзига хос шаклланиш, ривожланиш шароитлари ва хосса-хусусиятлари, тупроқ гумусининг гуруҳий ва фракциявий таркиби бўйича гумус кислоталарининг эрозияланиш даражасига боғлиқ ҳолда физик-кимёвий хусусиятлари, оптик зичлиги, коагуляция чегаралари ва гумуснинг элемент таркибида ўзига хос фарқланишлар аниқланганлиги, агротадбирлар натижасида гумус моддаларининг шаклланишини ва уларнинг тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва махсулдорлигини оширишнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, суғориладиган ва лалми эрозияланган бўз тупроқлар учун тузилган тупроқларнинг эрозияланиш харитаси ва гумус типи картограммаси ҳамда гумусли ҳолати ва унумдорлигини ошириш йўлларига доир ишлаб чиқилган амалий тавсиялар тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш, эрозия жараёнларининг олдини олиш ва оқибатларинини бартараф этишга йўналтирилган чора - тадбирларни белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғарбий Тянь-Шань вертикал зоналликда тарқалган тупроқларининг ҳозирги экологик - генетик жиҳатлари ва унумдорлигини ошириш йўллари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

«Суғориладиган ва лалми эрозияланган бўз тупроқларнинг гумусли ҳолати ва унумдорлигини ошириш йўлларига доир тавсиялар» Тошкент вилояти ер майдонларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги №02/032-1726-сон маълумотномаси). Натижада тоғ ва тоғ олди минтақаси тупроқ- иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ноқулай рельефли, эрозияланган худудлар тупроқларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда илмий асосдаги қўлланма сифатида хизмат қилган;

эрозияга учраган суғориладиган ва лалми тупроқларни эрозиядан муҳофазалаш, гумусли ҳолатини тиклаш ва биологик фаоллигини ошириш бўйича агротадбирлар Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани «Акром» фермер хўжалигининг суғориладиган типик бўз тупроқларнинг 33 гектар майдонига, Бўстонлиқ туманидаги «Mubina Zinnura Fayz» фермер хўжалиги лалми тўқ тусли бўз тупроқларининг 8 гектар экин майдонига жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги №02/032-1726-сон маълумотномаси). Натижада турли даражада эрозияланган тупроқларнинг гумусли ҳолати яхшиланган, кузги буғдойдан ҳар гектарига 3,0-4,0 центнер қўшимча ҳосил олишга эришилган;

гумус типи картограммаси ва эрозия харитаси Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани Ғаллақудуқ массиви суғориладиган типик бўз ҳамда Бўстонлиқ туманидаги Бўстонлиқ массиви лалми тўқ тусли бўз тупроқларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги №02/032-1726-сон маълумотномаси). Натижада картографик маълумотлар қишлоқ хўжалик экинларини тўғри жойлаштириш,

агротехнологик тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда эрозияланган тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили синовдан ўтказилиб, Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгашида, кўриб чиқилган ва ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро (Барнаул, Петрозаводск-Москва, Астрахан вилояти, ФГБНУ «ПНИАЗ», Нукус, Бухоро, Қарши шаҳарларида) ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 38 та илмий ишлар чоп эттирилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика, 1 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гумус-тупроқни таснифлаш учун асосдир (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида тупроқлардаги гумус миқдори ва таркиби, унинг географик тарқалиши ва профил буйлаб кўчиши, уларнинг тупроқ унумдорлигидаги ўрни бўйича тадқиқотлар натижалари шунингдек, эрозия жараёнларига таъсирида тупроқнинг гумусли ҳолатидаги ўзгаришларга оид хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг умумий шарҳи батафсил ёритилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосида гумус ҳосил бўлиш механизми ва шаклланиш омиллари, эрозия жараёнларининг унумдорликка, тупроқнинг биологик фаоллигига, гумусли ҳолатига таъсирига оид адабиётлар келтирилган. Адабиётлар таҳлилиниг якунида тупроқларнинг зоналлик типлари бўйича асосий хосса-хусусиятлари, гумусли ҳолати, айрим физик-кимёвий хусусиятлари, элемент таркиби, уларнинг эрозия жараёнларининг таъсирида ўзгариши мукаммал ўрганилмаганлиги сабабли ушбу муаммони ўрганиш зарурлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тупроқ пайдо бўлишининг шароитлари ва омиллари**» деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган минтақа

тупроқларининг географик тарқалиши, иқлими, геологик-геоморфологик тузилиши, рельефи, гидрогеологияси, ўсимликлар дунёси ва инсон фаолияти тўғрисида маълумотлар келтирилган. Минтақа тупроқлари ўзларининг хосса-хусусиятлари, экологик-мелиоратив ҳолати ва унумдорлик даражаси билан бир – биридан фарқланади. Турли тупроқ иқлим шароитларида шаклланган баландлик минтақасининг лалми жигарранг, лалми ва суғориладиган бўз тупроқлари тадқиқотлар объекти ҳисобланади. Тадқиқотлар дала, лаборатория ва камерал шароитларда тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилди. Изланишларда географик, генетик, тарихий- таққослаш литологик-геоморфологик, кимёвий-аналитик ҳамда профил усулларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Ғарбий Тянь-Шань вертикал зоналликда тарқалган тупроқларининг морфогенетик, кимёвий ва физик хусусиятларининг эрозия жараёнлари таъсирида ўзгариши**» деб номланган учинчи бобида тупроқни тўғри тавсифлаш учун уларнинг хусусиятларини тупроқ пайдо бўлиши шароитлари билан таққослаган ҳолда ўрганилаётган минтақа тупроқларининг хусусиятларига эрозия жараёнларининг таъсири, қияликларнинг нишаблиги ва экспозициясига қараб тупроқнинг шаклланиш жараёнининг хусусиятларини очилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Ўрганилаётган минтақанинг тоғ жигарранг тупроқлари қуйидаги типчаларга бўлинади: тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик, тоғ жигарранг ишқорсизланган. Ушбу тупроқлар гумус таркибининг юқори миқдори, гумус қатламининг қалинлиги, яхши шаклланган донадор тузилиши, пастки қатламларда карбонатларнинг тўпланиши ва лойли қатламнинг ёрқин ифодаси билан ажралиб туради.

Тоғ-жигарранг тупроқларининг характерли белгиларидан бири бошқа тупроқларга нисбатан кесма ўрта қисмининг лойланганлигидир. Бу жараённинг содир бўлиши учун жигарранг тупроқларда табиий шароит-маълум ҳарорат ва намликнинг мавжудлигидир. Тоғ жигарранг тупроқлар минерал қисмининг карбонатлилиги - уларнинг қайси тупроқ қатламида қандай чуқурликда учраши ҳамда тупроқнинг ривожланиш босқичига боғлиқ. Карбонатли тупроқларда карбонатларнинг тупроқнинг юза қисмида бўлиши билан, типик ва ишқорсизланган тупроқларда эса карбонатларнинг қуйи қатламда жойлашиши тупроқларнинг атмосфера ёғинлари билан намланиш чуқурлиги ва интенсивлиги билан изоҳланади.

Тоғ-жигарранг тупроқларининг механик таркиби асосан ўрта, оғир ва енгил қумоқли бўлиб, физик лойнинг (< 0,01мм) ўртача миқдори 43,78-60,61% ташкил этади. Тоғ жигарранг карбонатли тупроқларда CO_2 карбонатлар 8,39- 11,8%, жигарранг типикда 3,69- 11,61 % ва жигарранг ишқорсизланган тупроқларда 3,06 - 9,20 % ни ташкил этиб, карбонатларнинг юқори миқдори кесманинг қуйи қатламларида ювилиб тўпланган. Бу тупроқларнинг хайдалма қатламида гумус миқдори тоғ

жигарранг карбонатли эрозияланмаган тупроқларда 3,49 % ни, кучсиз эрозияланган тупроқларда 2,90% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 2,49 % ни; жигарранг типик эрозияланмаган тупроқларда 3,79% ни, кучсиз эрозияланган тупроқларда 3,57% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 2,96% ни, ювилиб тўпланганда 4,36% ни; жигарранг ишқорсизланган эрозияланмаган тупроқларда 4,50% ни, кучсиз эрозияланган тупроқларда 3,75% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 2,51% ни ташкил этди. Умумий азот тоғ жигарранг карбонатли эрозияланмаган тупроқларда 0,260% ни, кучсиз эрозияланган тупроқларда 0,165% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 0,154% ни; жигарранг типик эрозияланмаган тупроқларда 0,238% ни, кучсиз эрозияланган тупроқларда 0,311% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 0,268% ни, ювилиб тўпланганда 0,227%; жигарранг ишқорсизланган тупроқларда 0,235% ни, кучсиз эрозияланган тупроқларда 0,182% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 0,175% ни ташкил этди. Тоғ-жигарранг ишқорсизланган тупроқлар таркибида карбонатлар кам ва тоғ-жигарранг карбонатли тупроқ ҳамда типик тупроқларда тупроқни pH кучсиз нордонлашган (pH 6,4-6,8 оралиғида). C:N нисбати тупроқларда 9,3–12,9, жигарранг типик тупроқларда 7,5–13,1, жигарранг ишқорсизланган тупроқларда 9,3–14,0 атрофида тебранади.

Бўз тупроқлар тоғ олди кенг тўлқинсимон ва тоғ ости текисликлари, ясси тепаликли адирларда эллювиал-деллювиал, лёсс, лёссимон, пролювиал, пролювиал-деллювиал ётқизиқларда шаклланган. Механик таркиби асосан ўрта, оғир ва баъзан енгил қумоқли. Тупроқлар механик таркибида физик лой миқдори (< 0,01мм) 32,70-52,75 % ташкил этиб, тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар профилини ўрта қисмида ил заррачаларни ортиши, шунга мос равишда механик таркиби ҳам оғирлашиб, кучсиз лойланиши кузатилади. Тўқ тусли бўз тупроқларда CO_2 карбонатлар 4,70-8,24%, типикда 5,19-11,22% ва оч туслида 5,72-10,2% ни ташкил этиб, карбонатларнинг юқори миқдори кесманинг қуйи қатламларида ювилиб тўпланган. Бу тупроқларнинг ҳайдалма қатламида гумус миқдори эрозияланмаган тўқ тусли бўз тупроқларда 2,69% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 1,68% ни, ювилиб тўпланган тупроқларда 3,13% ни; эрозияланмаган типик бўз тупроқларда 3, 2,15% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 0.98% ни, ювилиб тўпланган тупроқларда 2,95% ни, эрозияланмаган оч тусли бўз тупроқларда 0,98% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 0,77% ни, ювилиб тўпланган тупроқларда 1,01% ни ташкил этди. Умумий азот эрозияланмаган тўқ тусли бўз тупроқларда 0,197% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 0,088% ни, ювилиб тўпланган тупроқларда 0,210% ни; эрозияланмаган типик бўз тупроқларда 0,107% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 0.080% ни, ювилиб тўпланган тупроқларда 0,129% ни, эрозияланмаган оч тусли бўз тупроқларда 0,083% ни, ўртача эрозияланган тупроқларда 0,078% ни, ювилиб тўпланган тупроқларда 0,085% ни ташкил этди. C:N нисбати тўқ тусли бўз тупроқларда 9,7-13,4, типик бўз тупроқларда 6,4-13,5, оч тусли бўз тупроқларда 5,1-9,1 атрофида тебранади.

Эрозияланмаган тупроқларнинг морфологик профили-тўқ жигаррангдаги яққол ифодаланган гумусли аккумулятив қатламнинг карбонатли иллювиал қатламга аниқ ўтиши билан ифодаланган. Ўртача эрозияланган жигарранг карбонатли тупроқлар тик тепаларда учрайди. Уларнинг устки қисми карбонатли қатламгача ювилган бўлиб, усти $CaCO_3$ нинг йирик тугунлари билан бойиган, ранги оч сарғиш бўлиб, қатлам жуда зич. Ювилиб тўпланган жигарранг тупроқлар эса шлейфларга тўғри келади. Улар тўплаган қатламларнинг катта қалинлиги билан ҳарактерланади. Ювилиб тўпланган тупроқлар гумусли горизонтининг қалинлиги ювилмаган ва ювилган тупроқларга нисбатан ортади.

Тоғларда баландлиги ошиб бориши билан тупроқ хусусиятларининг фарқлари ҳам сезиларли бўлади. Кўриниб турибдики, қиялик экспозициялари, паст баландликлардан бошланиб, тупроқнинг хусусиятларида тафовутларни келтириб чиқаради ва баландлик ошиб бориши билан тупроқнинг шаклланишига тобора кўпроқ таъсир кўрсатади.

Сув айирғичларда тарқалган тоғ жигар ранг тупроқлари механик таркиби оғир қумоқ. Чимли қатлам, чимли қатлам ости горизонтига нисбатан енгил қумоқдан иборат. Бу ерда механик элементларининг тарқалишида генетик қатламлар бўйлаб бир қатор қатламланиш кузатилади. Юқори қатламларда физик қумнинг миқдори жуда катта. Шунинг учун улар яхши сув ўтказувчанликка эга.

Тўқ тусли бўз тупроқларда ҳам типик бўз тупроқ каби гумусли-аккумулятив қатлам A_x ва A_1 иллювиал-карбонатли қатлам $B_к$ ва она жинс С яққол ажралиб туради. Лекин типик бўз тупроққа нисбатан генетик қатламларни фарқланиши шиддатлироқ тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларига боғлиқ ҳолда кечади, яъни барча бўз тупроқлар типларига муносиб равишда, уларда механик таркибининг оғирлашиши кузатилади. Турли экспозициялар қияликлари тупроқлари гумус ва CO_2 карбонатлар тақсимоти бўйича барча шароитларда фарқланади.

Типик бўз тупроқлар профили қатламлари оч тусли бўз тупроқлардан кескин ажралиб туради. Гумусли қатлам яққол кўриниб туради, гумус миқдори ҳам оч тусли бўз тупроқларга нисбатан кўп. CO_2 миқдори кейинги қатламларга нисбатан юқори қатламларда камайганлиги яққол кўзга ташланади. Механик таркибига кўра типик бўз тупроқлар асосан енгил ва ўрта қумоқлардан иборат. Бу ерда она жинснинг лёссимон ҳарактерини ифодаловчи йирик чанг фракцияси устунлик қилади.

Умуман олганда, типик бўз тупроқлар учун, тупроқ профилининг сезиларли қалинлиги, унинг фарқланиши ва гумус таркиби профилнинг сезиларли узунлиги, карбонатлар юзаси, тупроқ эритмасининг ишқорий реакцияси, профилни лойланиши, микроагрегатларнинг яхши ажралиб туриши ва макро тузилишга эга эмаслиги ҳарактерлидир.

Эрозия жараёнларининг қумоқли эллювиал, деллювиал ва лёсс ётқизиқларида шаклланган тупроқларнинг механик таркибига таъсири

деярли ўзгармаган, лекин тупроқнинг морфологик кўрсаткичларида акс этган қияликнинг ўрта қисми кам гумусли тупроқлари механик таркиби бир мунча енгиллашган, бу эса тупроқ ҳосил қилувчи жинслар механик таркибининг хилма-хиллиги билан боғлиқдир.

Маълумки, тоғ жигарранг тупроқлари органик моддалар миқдорининг юқорилиги билан ажралиб туради. Тоғ жигарранг карбонатли тупроқларида C:N нисбати эрозияга мойиллик даражасига кўра ўзгариб туради. Тупроқ муҳити (pH) ни аниқлаш натижаларига кўра, барча тупроқ типлари кучсиз ишқорий муҳитга эга. Агрокимёвий таҳлил натижаларига кўра тоғ жигарранг типик тупроқларда гумусли қатлам қалинлиги тоғ жигарранг карбонатли тупроқларга нисбатан қувватга эга.

Тадқиқотлар эрозия жараёнлари натижаларини профил бўйлаб тарқалишига ҳам таъсир кўрсатишини кўрсатади. Ўрганилаётган тупроқларда карбонатлар миқдори профил бўйлаб 3,5 дан 11,6% гача тоғ жигарранг типик тупроқлар, тоғ жигарранг карбонатлар тупроқлардан карбонатлар миқдорини камлиги билан фарқланади. Тупроқ муҳити кучсиз ишқорий. Тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқлар таҳлили натижаларига кўра бу тупроқларда бошқа типларга нисбатан гумус миқдори юқори.

Шундай қилиб, ўрганилаётган ҳудуднинг минтақавий хусусиятлари тупроқнинг морфологик кўрсаткичларида ҳам намоён бўлади, бу эса эрозия жараёнларининг ривожланишига олиб келади-тупроқ қалинлигини пасайтиради, энг унумдор юқори қатламларни йўқ қилади ва уларни унумдор паст тупроқ қатлами билан алмаштиради, натижада, асрлар давомида шаклланган тупроқ қопламаси қисқа вақт ичида хилма-хил экологик функцияларини ва энг муҳими, ишлаб чиқариш кучини йўқотмоқда.

Диссертациянинг **«Ғарбий Тянь-Шань вертикал зоналликда тарқалган тупроқларининг биологик фаоллиги ва биогенлигига эрозия жараёнларининг таъсири»** деб номланган тўртинчи бобида тупроқ таркибида микроорганизмлар физиологик гуруҳлари сонининг вертикал зоналлик бўйича ўзгаришини ва уларни эрозияланиш даражаси, қиялик экспозициясига таъсири, гидротермик шароитга боғлиқ ҳолда микрофлора динамикасининг ўзгариши ёритилган. Ўрганилган микроорганизмлар гуруҳлари, тупроқда азот ва углеродни сони, айланиши, тупроқдаги биологик жараёнларнинг йўналишини ҳарактерлайди.

Изланишлар кўрсатадики, ўрганилган тупроқларнинг микробиологик хоссалари эрозия жараёнлари таъсирида ўзгаради. Шу билан бир қаторда вертикал зоналлик шароитида тупроқнинг жойлашиши, эрозияланиш даражаси, қиялик экспозициясига боғлиқ ҳолда микроорганизмлар сонини ўзгариши кузатилди.

Микробиологик кўрсаткичлар бўйича аммонификаторлар сони $1,2x10^7$ - $9,5x10^7$ КҲБ/г ни ташкил этди. Фосфор парчаловчи бактериялар сони 2,2-$7,5x10^7$ дан 1,5-$9,0x10^7$КҲБ/г гача миқдорни ташкил этди. Тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқларнинг 30-60 смли қатламида фосфор парчаловчи бактериялар аниқланмади. Олигонитрофиллар сони барча намуналарда 2,9-

$9,0x10^6$ КҲБ/г ташкил этди. Актиномицетларнинг энг кўп миқдори жигарранг карбонатли ва жигарранг типик тупроқларнинг қуйи қатламларида $6,6x10^6$ - $7,5x10^4$ КҲБ/г ни ташкил этди. Бўз тупроқлар минтақасида тупроқ микрофлораси бўйича энг кўп кўрсаткич тўқ тусли бўз тупроқларда кузатилди, яъни аммонификаторлар сони $1,2x10^7$ дан $6,7x10^7$ гача КҲБ/г ни, фосфорпарчаловчи бактериялар сони $1,5x10^7$ дан 6,7-$x10^7$КҲБ/г гача миқдорни, олигонитрофиллар 1,5-$6,0x10^7$ КҲБ/г ни, актиномицетлар эса $4,3x10^6$-$9,0x10^6$ ни ташкил этди. Типик ва оч тусли бўз тупроқларда бу кўрсаткичлар камайди.

CO_2 ни юқори миқдорда ажралиб чиқиши тоғ жигарранг тупроқларида кузатилди, бу ерда органик моддаларнинг чириш жараёни яққол кўринган бўлиб микроорганизмларнинг умумий сони билан зич корреляциялашган, карбонат ангидрид газини ажралиб чиқиши қияликларни экспозицияси ва уларни эрозияланишига боғлиқ ҳолда типик ва тўқ тусли бўз тупроқлардан тоғ жигарранг карбонатли, тоғ жигарранг типик ва тоғ-жигарранг ишқорсизланган тупроқларга ўтиши билан қўпаяди.

Ферментларнинг мавсумий ўсиш фаоллиги ҳарактери бўз тупроқларнинг турли типчаларида ва тоғ жигарранг тупроқларида тупроқларни интенсив нафас олиши интенсивлигига кўра ўрганилганда, ферментлар фаоллиги барча тупроқларнинг нафас олиши, гидротермик шароитларига боғлиқлиги аниқланди. Тупроқдаги ферментлар углеродни табиатда айланишида муҳим звено ҳисобланади. Углеводларни ферментга айланиши, тупроққа катта сонли органик материалларни келиб тушиш ҳарактерини таъминлайди, ҳамда унда энергияни тўпланиш ва уни тупроқда гумус шаклига келишини аккумуляция қилади, сабаби уни гумус олди компонентлари шаклланади. Энг катта қизиқиш уйғотувчи фермент, умуман, углевод алмашинувида тупроқда инвертаза ферменти фаол бўлди, яъни инвертаза биологик организмларда саҳарозани кенг тақсимланишига, уни тупроқда тўпланишига потенциал манба бўлиб хизмат қилади.

Корреляцион таҳлиллар кўрсатадики, тупроқнинг ферментатив фаоллиги гумуснинг таркиби ва тупроқ намлигига боғлиқ. Ферментлар фаоллиги ва гумус таркиби ўртасида юқори ва ўрта коррелятив боғлиқлик борлиги: инвертаза (r=0,27-0,92), каталаза (r=0,19-0,99), амилаза (r=0,50-0,99) аниқланди. Шундай қилиб, типик бўз тупроқлардан тоғ-жигарранг тупроқларига томон оксидланиш-қайтарилиш ферментлари ўсиб боради, бунга сабаб умумий микробиологик активлик, гумус таркиби ва озиқа моддалар бўлиб, улар чириш жараёнининг интенсивлигини таъминлайди.

Полифенолоксидаза ва пероксидаза ферментларининг нисбати орқали гумификация коэффицентини аниқлаш мумкин. Тупроқда гумус синтези учун масъул бўлган полифенолоксидаза фаоллигининг ортиши гумификация коэффицентининг ошишига олиб келганини кўрсатади. Тупроқдаги гумус моддаларининг парчаланишига олиб келадиган пероксидаза фаоллигининг ошиши гумификация коэффицентининг пасайишига олиб келди. (1,2-расмлар)

1-расм.Тоғ жигарранг ва бўз тупроқларда пероксидаза ферментининг фаоллиги

2-расм. Тоғ жигарранг ва бўз тупроқларда полифенолоксидаза ферментининг фаоллиги.

Диссертациянинг **«Ғарбий Тянь-Шань вертикал зоналликда тарқалган эрозияланган тупроқларининг гумус таркиби ва хоссалари»** деб номланган бешинчи бобида тоғ-жигарранг ва бўз тупроқлар гумус моддаларининг гуруҳий ва фракциявий таркиби, уларнинг эрозияланиш даражалари бўйича генетик қатламларда ўзгаришлари ёритилган.

Тоғ-жигарранг карбонатли тупроқлар гумусининг гуруҳий таркиби бўйича тоғ-жигарранг типик ва тоғ-жигарранг ишқорсизланган тупроқлардан юқори қатламларда гумин кислотанинг фульвокислотадан устунлиги билан фарқланади, қуйи қатламларга томон гумин кислоталар миқдори камаяди, фульвокислоталар миқдорининг ошиши кузатилади. Тупроқларнинг эрозияланиш даражаси ортиши билан гумин кислоталар миқдорининг камайиши кузатилади. Тоғ-жигарранг тупроқларининг қолган икки типчасида: тоғ-жигарранг типик ва тоғ-жигарранг ишқорсизланган эрозияланган тупроқлар гумуси таркибида фульвокислоталар гумин кислоталардан устун. Тупроқ гумусининг фракциявий таркибини аниқлаш бўйича натижаларга кўра, *тоғ-жигарранг карбонатли тупроқлар* гумуси гумин кислотаси фракциявий таркибида эркин ва ҳаракатланувчи бир ярим оксидлар билан боғлиқ 1- фракция ҳамда Ca^{++} билан боғланган 2-фракция, фульвокислотаси фракциявий таркибида гумин кислотанинг 1 ва 2- фракциялари билан боғланган фракцияси устунлик қилди. *Тоғ-жигарранг типик тупроқлар* гумуси гумин кислотаси фракциявий таркибида фақатгина эркин ва ҳаракатланувчи бир ярим оксидлар билан боғлиқ 1- фракцияни устунлиги, фульво кислотаси фракциявий таркибида гумин кислотанинг 1 ва 2-фракциялари билан боғланган фракцияси ва эркин ва ҳаракатланувчи бир ярим оксидлар билан боғлиқ 1а фракцияси миқдори билан тоғ-жигарранг карбонатли тупроқлардан фарқ қилди. *Тоғ-жигарранг ишқорсизланган тупроқлар* гумуси гумин кислотаси фракциявий таркибида эса лойли минераллар ва бир ярим оксидларниг турғун шакллари билан боғланган 3-фракциянинг устунлиги, фульво кислотаси фракциявий таркибида гумин кислотанинг 3- фракцияси

билан боғланган фракциясининг устунлиги бўйича тоғ-жигарранг карбонатли ва типик тупроқлардан фарқи борлиги аниқланди. Гидролизга учрамаган моддаларнинг миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич тоғ-жигарранг ишқорсизланган (51-69,5%) ва тоғ-жигарранг типик тупроқларнинг (48,3-63,1%) эрозияга учраган хилларида аниқланди. Гумус типи бўйича Сгк:Сфк 0,53- 1,1 га мансублиги аниқланди.

Бўз тупроқлар гумусининг гуруҳий таркиби бўйича тўқ тусли, типик ва оч тусли тупроқларда фульвокислотанинг гумин кислотадан устунлиги аниқланди, Тупроқларнинг эрозияланиш даражаси ортиши билан гумин ва фульво кислоталар миқдорининг камайиши кузатилди. Тупроқ гумусининг фракциявий таркибини аниқлаш бўйича натижаларга кўра, *тўқ тусли бўз тупроқлар* гумуси гумин кислотаси фракциявий таркибида Ca^{++} билан боғланган 2-фракция ҳамда лойли минераллар ва бир ярим оксидларнинг турғун шакллари билан боғланган 3- фракция, фульво кислотаси фракциявий таркибида гумин кислотанинг 2-фракцияси билан боғланган фракция устунлик қилди. *Типик бўз тупроқлар* гумуси гумин кислотаси фракциявий таркибида Ca^{++} билан боғланган 2-фракция ҳамда лойли минераллар ва бир ярим оксидларнинг турғун шакллари билан боғланган 3- фракция, фульво кислотаси фракциявий таркибида гумин кислотанинг 2ва 3- фракциялари билан боғланган фракцияси устунлиги сезилди. *Оч тусли бўз тупроқлар* гумуси гумин кислотаси фракциявий таркибида эса лойли минераллар ва бир ярим оксидларниг турғун шакллари билан боғланган 3-фракциянинг устунлиги, фульво кислотаси фракциявий таркибида гумин кислотанинг 3-фракцияси билан боғланган фракциясининг тўқ тусли ва типик бўз тупроқлардан фарқи борлиги аниқланди. Гидролизга учрамаган моддаларнинг миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич оч тусли бўз (55-76,3%) ва типик бўз тупроқларда (43,5-68,5%) аниқланди. Шунингдек эрозияланиш даражаси бўйича эрозия натижасида ювилиб тўпланган тупроқларда ювилмаган ва ўртача ювилганга нисбатан юқори кўрсаткичлар, гумус типи бўйича Сгк:Сфк 0,66-1.2 га мансублиги аниқланди.

Органик модданинг гумификация даражаси (Д.Орлов, 2004, М.Тошкўзиев, 2006) таснифи бўйича тоғ жигарранг карбонатли тупроқларда эрозияланиш даражасига кўра 13,66%-16,87% ни ташкил этади ва кучли, тоғ жигарранг типик тупроқларнинг ювилмаган ва ювилиб тўпланган хиллари 93,6%-88,4% ни ташкил этади ва жуда кучли кўрсаткичга, тоғ жигарранг ишқорсизланган тупроқларнинг эрозияланмаган хили 86,20% ни ташкил этди ва жуда кучли кўрсаткичга эга, кучсиз ювилган ва ўртача ювилган хиллари кучсиз кўрсаткичга эга, гумификация даражаси бўйича бўз тупроқлар ўртача ва кучсиз кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди. (1,2-жадвал)

Тупроқларнинг гумусли ҳолати кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш учун корреляция коэффицентлари ҳисоблаб чиқилди.

1-жадвал

Тоғ-жигарранг тупроқларининг гумусли холати.

Белги	Ювилиш даражаси	Белгилар ва кўрсаткичлар даражаси		Белгилар ва кўрсаткичлар даражаси		Белгилар ва кўрсаткичлар даражаси	
		Жигарранг-карбонатли тупроқ		Жигарранг-типик тупроқ		Жигарранг-ишқорсизланган тупроқ	
		Д.С.Орлов бўйича (2004)	М.М.Ташкузиев бўйича (2006)	Д.С.Орлов бўйича (2004)	М.М.Ташкузиев бўйича (2006)	Д.С.Орлов бўйича (2004)	М.М.Ташкузиев бўйича (2006)
Тупроқни хайдалма "А" қатламдаги гумус миқдори , %	Ювилмаган	3,49-паст	3,49-жуда юқори	3,79-паст	3.79-юқори	4,50-паст	4,50-жуда юқори
	Кучсиз ювилган	2.90-паст	2,90-юқори	3,57-паст	3,57-юқори	3,75-паст	3,75-оч юқори
	Ўртача ювилган	2.49-паст	2,49-юқори	2,96-паст	2,96-юқори	2,50-паст	2,50-юқори
Гумус захираси, (т/га) 0-20 см	Ювилмаган	97,7-паст	97,7-юқори	106-ўртача	106-юқори	210-жуда юқори	210-сл.юқори
	Кучсиз ювилган	81,2-паст	81,2-юқори	100-ўртача	100-юқори	175-юқори	175-жуда юқори
	Ўртача ювилган	69,7-паст	69,7-юқори	83-паст	83-юқори	173-юқори	173-жуда юқори
Гумуса (т/га) 0-100 см	Ювилмаган	153,0-паст	153,0-юқори	214-ўртача	214- юқори	192-паст	192- юқори
	Кучсиз ювилган	108,7-паст	108,7-юқори	163,8-паст	163,8-юқори	167-паст	167- юқори
	Ўртача ювилган	122,7-паст	122,7-ўртачадан юқори.	133,8-паст	133,8- ўртачадан юқори	126-паст	126- ўртачадан юқори
